

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАБАЕВ АМИНЖОН ГАДАЕВИЧ

ПОСТРЕАНИМАЦИОН ДАВРДА ГИПОТАЛАМО-ГИПОФИЗАР
ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Карабаев Аминжон Гадаевич

Постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар
тизимдаги ўзгаришлар 3

Карабаев Аминжон Гадаевич

Изменения в гипоталамо-гипофизарной системе
в постреанимационном периоде 27

Karabayev Aminjon Gadayevich

Changes in the hypothalamic-pituitary system in
the post-resuscitation period 52

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАБАЕВ АМИНЖОН ГАДАЕВИЧ

ПОСТРЕАНИМАЦИОН ДАВРДА ГИПОТАЛАМО-ГИПОФИЗАР
ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tib517 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исраилов Ражаббай

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокиров Ёркин Узуевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ирискулов Бахтиёр Уктямович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамроқулов Шарифжон Хошимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Хожа Аҳмад Ясавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «_____» «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил « _____ » « _____ » куни тарқатилди.

(2022 йил « _____ » « _____ » даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда постреанимацион касалликнинг ривожланиш механизми реаниматологик амалиётида долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Экстремал омиллар таъсирида организмда юзага келадиган стресс–реакция алоҳида ривожланадиган жараён бўлмасдан, бу жараён биринчи ўринда индивидуал адаптация гипоталамо-гипофизар тизим текислигида таъминланади. Ўта юкори кучга ва мураккабликка эга бўлган ташқи таъсирот остида, химоя мослашув реакцияси юзага келмаслиги ва клиник ўлим таъминланиши мумкин. Бу вақтда клиник ўлим постреанимацион даврда ҳужайраларнинг функционал, ҳамда трофик фаолятига таъсир этмай кўймайди. Муаллифларнинг маълумотларига кўра «.....бу вақтда стресс, гипоксия, реоксигенация, ёғларнинг перекисли оксидланишининг активланиши, антиоксидант тизимининг камайиши биргаликда намоён бўлади....»¹. Бу даврда катаболитик дистрофик ўзгаришлар устунлик қилиб, ҳужайрада репродуктив тикланиш жараени ноқулай ҳолатда қолади. Шунинг учун ҳам, ҳужайра репродуктив жараени учун жавобгар бўлган гипоталамо-гипофизар тизимдаги преоптик ядро, аркуат ядро, ҳамда аденогипофизнинг b- ва d-базофил ҳужайралари таркибий қисмларида динамик ўзгаришлар кетма-кетлигини билмаган ҳолда, гипоталамо-гипофизар тизим, вегетатив нерв тизими, прооксидант ва антиоксидант тизими, орасидаги боғлиқлик остида ўлим жараёнида ва постреанимацион касаллик даврида организм ҳаётий фаоляти тикланишининг бузилиш механизмларини тушуниш қийин бўлади. Шу сабабли постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизимда преоптик ядро, аркуат ядро, ҳамда аденогипофизнинг b- ва d-базофил ҳужайраларидаги узгаришларини патогенетик жиҳатларини баҳолаш орқали касалликларни даволаш замонавий фундаментал тиббиётнинг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларнинг патогенезини баҳолашни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қисқа муддатли 5 ва 10 дақиқали клиник ўлим жараёнида ва ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) вегетатив нерв тизими, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши махсулоти малондиальдегид, антиоксидант тизим - каталаза, глутатионпероксидаза, гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил ҳужайраларида морфофункционал ўзгаришларни реактивлигини баҳолаш самардорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самара

¹ В. Е. Новиков, О. С. Левченкова, Е. В. Пожилова Роль активных форм кислорода в физиологии и патологии клетки и их фармакологическая регуляция // Научные обзоры том 12/2014/4

дорлигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, турли соматик касалликларини эрта ташхислаш, самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим бузилишининг патогенезини баҳолашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомил-лаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларнинг патогенезини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Washington, University of Kansas, Atlanta Oral Pathology, Roseman University of Health Sciences (АҚШ); University Vita-Salute, University of Pavia (Италия); University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); Keio University (Япония); Catalan Institute of Oncology (Испания); National and Kapodistrian University of Athens (Греция); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); Yonsei University (Корея Республикаси); University of Sydney (Австралия); Jazan University (Саудия

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.roseman.edu; www.researchgate.net; www.stanford.edu; www.uni-tuebingen.de; www.alexu.edu.eg; www.ru.uj.edu.pl; www.kagawa-u.ac.jp; ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Арабистони); Regional Institute of Medical Sciences (Хиндистон); Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларнинг патогенезини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: клиник ўлим ва постреанимацион даврда МНТ гипоталамо-гипофизар тизимда, эндокрин тизимларида, ёғларнинг пероксидли оксидланиши, антиоксидант тизимидаги ўзгаришлар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: постреанимацион даврда энцефалопатиянинг ривожланишида нерв хужайраларининг морфофункционал ўзгаришлари, механизмлари, шу билан бир қаторда нерв хужайраларининг резистентлиги ва резистентлигини ошириш жараёнлари, эндокрин безларидаги ўзгаришлар ўрганилган (Research Institute of General Resuscitation (Москва); гипоксия жараёнларида буйрак усти безида ва бошқа эндокрин безларида юзага келадиган функционал ўзгаришлар, постреанимацион энцефалопатиянинг ривожланиш механизми, клиникаси, профилактикаси ва даволаш жараёнлари баҳоланган (Сибир илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси); постреанимацион даврда нерв хужайраларининг қўзғалувчанлиги, электик фаоллиги, қон-томирлар реактивлиги, нерв хужайраларида функционал ўзгаришлари, эндоген интоксикация, антиоксидант тизими, липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларининг ҳолати, постреанимацион даврда МНТ ишемик жараёнида қон-томир реактивлиги, мослашув реакциялари ёритилган (Shiga Medical Center Research Institute, Moriyama (Япония); постреанимацион даврда ишемик цереброваскуляр бузилишлар остида микроглия, астроглия, эндотелиал хужайраларда ва нейронларда юзага келадиган ўзгаришлар асосланган Charité-Universitätsmedizin Berlin, Berlin (Германия); постреанимацион даврда юзага келадиган синдромлар устида ишлар олиб борилган ва механизмлари ёритилган Cambridge University (Великобритания); постреанимацион даврда гонад тизимдаги морфофункционал ўзгаришлар ёритилган National Institutes of Health (АҚШ); клиник ўлим ва постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар нейросекретор тизимдаги морфофункционал ўзгаришлар, гипоталамо-гипофизар тизимдаги ўзгаришлар такомиллаштирилган Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон).

Дунёда постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим йўналишларда қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: 10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайраларида морфофункционал ўзгаришларни асослаш; 10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) вегетатив нерв тизими, липидларнинг перекисли оксидланиши, малондиальдегид, антиоксидант

тизим - каталаза, глутатионпероксидаза реактивлигини асослаш; марказий нерв тизимларида, эндокрин тизимларида, юрак-қон-томир, нафас олиш, иммун, қон таркибий тизимларида, шу билан бир қаторда организмда юзага келадиган биокимёвий ўзгаришларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги 20 йил давомида бош миёдаги постишемик патологик ўзгаришлар қонуниятларини ўрганишда муҳим ютуқларга эришилди (Неговский В.А., Мороз В.В., 2000; Ежова К.Н., Заржецкий Ю.В., 2008; Якимов И.А., Логинова Е.С., 2017). Бу даврда клиник ўлим ва постреанимацион даврда ҳужайра шикастланишларнинг асосий механизмлари аниқланди. Компенсатор-тикланиш жараёнларининг йуллари генетик механизмлари ёритилди (Заржецкий Ю.В. ва бошқалар, 2012; Аврущенко М.Ш., 2017). Бу даврда гипоталамо-гипофизар ҳамда эндокрин тизимда химоя мослашув реакцияси механизмнинг фазаси ва ривожланиш даражаси ўрганилди (Волков А.В., 2010; Острова И. В. ва бошқалар, 2010). Юқори кучга эга бўлган қон оқшининг тўхташидан кейин нейрогуморал бошқарувнинг бузилиши, яширин ёки аниқ эндокринопатиянинг ривожланиши гормонал бошқарувининг бир ёки бир нечта босқичлардаги ўзгаришларга боғлиқлиги эҳтимолдан ҳоли эмасдир. Кўпинча бу жараён марказий нерв тизими, вегетатив нерв тизимлари, эндокрин тизимини идора қилиши билан боғлиқ бўлиб, гормонларнинг синтези, йиғилиш, инкрецияси ва уларнинг транспорти, ҳужайра томонидан истеъмол қилиниши, захираланиши, метаболизми, инактивацияси, гормонларни чиқариб юборилиши ҳамда тўқималарнинг специфик рецепторларининг бузилиши билан боғлиқдир (Волков А.В. ва бошқалар, 2010). Постреанимацион касаллик даврида организм висцерал тизимининг нейрогуморал бошқарув муаммоси ҳанузгача тўлиқлигича ўрганилмаган. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, постреанимацион касаллик даврида эндокрин тизими фаолиятининг бузилиши ҳақида санокли изланишлар мавжуд бўлиб, айрим эндокрин безлар текислигида ўрганилган. Яъни ўлим жараёни ва постреанимацион касаллик даврида гипоталамо-гипофизар нейросекретор тизими, буйрак усти бези, қалқонсимон без, ошқозон ости бези, қисман ўрганилган (Неговский В.А., 2000; Волков А.В. ва бошқалар, 2010; Заречнова Н.Н., Слынько Т.Н., 2018 ; Якимов И. А, Логинова Е. С., 2017).

Ўзбекистонда турли соматик касалликларни ташхислаш ва уларни самарали даволаш тактикасини патофизиологик механизмларини очиш ва янги моделларни яратиш орқали беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Каримов Х.Я., 2018; 2022; Ирискулов Б.У., 2022; Утямишев Р.Р., 2021; Азимова С.Б., 2018; Жураева М.А, 2020), бироқ, постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларнинг патогенезини такомиллаштирилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, клиник ўлим ва постреанимацион касаллик даврида гипоталамо-гипофизар тизимнинг бузилиш механизмини аниқлаш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш учун кейинги тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5.3.11. «Экстремал омилларнинг организмнинг нейроэндокрин тизимига таъсири» (2006-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5 ва 10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касаллик даврида гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядроларида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайраларида морфофункционал ўзгаришлар механизмини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида вегетатив нерв тизими, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши маҳсулоти- малондиальдегид, антиоксидант тизимда каталаза ва глутатионпероксидаза реактивлигини баҳолаш;

5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайраларида морфофункционал ўзгаришларни патогенетик баҳолаш;

5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) вегетатив нерв тизими, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши маҳсулоти - малондиальдегид, антиоксидант тизимда каталаза ва глутатионпероксидаза реактивлигини баҳолаш;

5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайраларида морфофункционал ўзгаришларни патогенетик баҳолаш;

10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) вегетатив нерв тизими, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши маҳсулоти - малондиальдегид, антиоксидант тизимда каталаза ва глутатионпероксидаза реактивлигини баҳолаш

10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайраларида морфофункционал ўзгаришларни патогенетик баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2006-2020 йиллар давомида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг патологик физиология кафедрасида 160 та, оғирлиги 130-220 грам наслсиз эркак оқ каламушлар олиниб, улардан 80 тадан тажриба ва назорат гуруҳларига каламушларни ажратиб, уларда 5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида ва постреанимацион даврда вегетатив нерв тизими, прооксидант тизимида

липидларнинг перекисли оксидланиши, антиоксидант тизими, гипоталамо-гипофизар тизими фаолиятининг патофизиологик ҳолатини баҳолаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим бузилишининг патогенези очиб беришда 5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида, клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида вегетатив нерв тизими, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши, антиоксидант тизимини, малондиальдегид, антиоксидант тизимда каталаза, ва глютатионпероксидаза реактивлиги, гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайралари функционал ҳолатининг морфологик ўзгаришларини патогенетик баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим бузилишининг патогенезини баҳолашда тажриба, физиологик, биокимёвий, морфометрик, гистокимёвий, икки тўлқинли цитофотометрик ҳамда статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида парасимпатик нерв тизими тонуси остида қондаги малондиальдегид микдорининг ортиши, гипоталамо-гипофизар тизимда преоптик ядрога нисбатан аркуат ядрога ҳамда b-базофил хужайраларга нисбатан d-базофил хужайраларда морфофункционал фаоллигининг устунлиги асосланган;

5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III босқичларида симпатик нерв тизими устунлиги остида малондиальдегид микдори ортиши, каталаза ва глютатионпероксидаза фаоллигининг пасайиши, гипоталамуснинг прооптик ядросида ҳамда аденогипофизнинг d-базофил хужайрасида кучлироқ морфофункционал фаоллигининг юқорилиги аниқланган;

10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II босқичларида парасимпатик нерв тизимининг тонуси, III босқичида эса симпатик нерв тизимининг тонуси устунлиги, малондиальдегидни ортиши, каталаза ва глютатионпероксидазанинг камайиши, гипоталамуснинг аркуат ва преоптик ядроларида ҳамда аденогипофизнинг d- ва b-базофил хужайраларида морфофункционал фаолликни ортиши ҳисобига ҳимоя мослашув реакция ҳосил бўлиши исботланган;

5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг IV босқичидан бошлаб, аралаш вегетатив реактивлик остида, касалликнинг узоқ даврида (3-ойида) симпатик нерв тизими, липидларнинг перекисли оксидланиши, малондиальдегид фаоллигининг кўринарсиз камайиши, антиоксидант тизимида каталаза ва глютатионпероксидаза микдорининг ортиши остида гипоталамуснинг аркуад ва преоптик ядроларида ҳамда аденогипофизнинг d-ва b-базофил хужайраларида ҳимоя тикланиш жараёни асосланган;

10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг III-босқичидан бошлаб, касалликнинг узоқ даврида (1-3- ойида) симпатик нерв тизими тонусининг устунлиги, малондиальдегид миқдорини камайиши, каталаза ва глутатионпероксидаза миқдорининг, гипоталамуснинг преоптик ва аркуат ядроларида глиал хужайраларининг фаоллиги ҳамда деструктив нейросекретор хужайралар миқдорининг ортиши, нейросекретор хужайралар орасида викар компенсация остида ҳимоя тикланиш жараёни гипоталамуснинг преоптик ядросига нисбаттан аркуад ядросида ҳамда b-базофил хужайрага нисбатан d-базофил хужайрада кучлироқ эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

5 ва 10 дақиқалик ўлимнинг постреанимацион даврида вегетатив нерв тизими реактивлиги, прооксидант тизимида липидларнинг перикисли оксидланишига, антиоксидант тизимида, гипоталамо-гипофизар тизимнинг преоптик, аркуат ядросида, нейросекретор хужайралар, аденогипофизнинг d-ва b-базофил хужайрасига таъсири баҳоланган;

5 ва 10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг ривожланишини ва асоратларини олдини олиш ва патогенетик даволаш зарурлиги исботланган;

гипоталамуснинг преоптик, аркуад ядроларда нейросекретор хужайраларнинг функционал фаоллигини ортиши симпатик нерв тизими ва липидларнинг перикисли оксидланишининг фаоллигига боғлиқлиги очиб берилган;

постреанимацион касаллик даврида 10 дақиқалик клиник ўлим ўтказган ҳайвонларда 5 дақиқалик клиник ўлим ўтказган ҳайвонларга нисбатан деструктив нейросекретор хужайраларнинг миқдорини ортиши остида, глиал хужайралар миқдорининг ва ҳажмининг ортиши, викар компенсациянинг ривожланиши кўпроқ преоптик ядрога нисбатан аркуад ядрога эканлиги асосланган;

гипоталамо-гипофизар тизим, вегетатив асаб тизимининг таъсиротга жавоб реакцияси, липидларнинг перикисли оксидланиши, антиоксидант тизим ортидаги боғлиқликнинг тикланиши учун постреанимацион даврда узоқ вақт кераклиги клиник ўлимнинг ва постреанимацион касалликнинг давомийлигига боғлиқ ўзгаришларининг тикланишининг узайиши асосланган;

постреанимацион касаллик даврида 10 дақиқалик клиник ўлим ўтказган ҳайвонларда 5 дақиқалик клиник ўлим ўтказган ҳайвонларга нисбатан касалликнинг I-II босқичида преоптик, аркуат ядро нейросекретор хужайраларида ва d-ва b-базофил хужайраларда цитоплазма гипергидратацияси, III босқичида ва постреанимацион касалликнинг узоқ давларида ядро гипергидратацияси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи лаборатория,

биофизикавий, биокимёвий, морфологик, цитофотометрик, гистокимёвий, морфометрик, биомикроскопик статистик тадқиқот усулларида постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларининг патогенезини баҳолашни такомиллаштириш тартиби халқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида, клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узок даврларида (1 ва 3 ойларида) вегетатив нерв тизими, прооксидант тизимида липидларнинг периксли оксидланиши-малондиальдегид, антиоксидант тизимида каталаза ва глутатионпероксидаза реактивлигида, гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайраларида морфофункционал ўзгаришларидаги ўзаро муносабатларининг бузилиши механизмларини ёритилиши, химоя мослашув реакциясини ҳамда организмнинг чидамлилигини таъминлашдаги ўрнининг назарий механизмлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник ўлим жараёнида, клиник ўлим жараёнида гипоталамо-гипофизар тизимнинг бузилиш механизмини ҳамда 5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизимининг бузилиш патогенезини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилганлиги, клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узок даврларида (1 ва 3 ойларида) олинган маълумотлар амалиётда постреанимацион касалликнинг ривожланишини ва асоратларини олдини олиш ва патогенетик даволаш механизми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларининг патогенезини баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларининг патогенезини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Клиник ўлим жараёнида гипоталамо-гипофизар тизимнинг бузилиш механизмини баҳолаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 майдаги 8н–д/56–сон маълумотномаси). Натижада 5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида, клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узок даврларида вегетатив нерв тизими, липидларнинг периксли оксидланиши, малондиальдегид, антиоксидант тизимда каталаза ҳамда глутатионпероксидаза реактивлигида, гипоталамуснинг преоптик, аркуат ядросида, ўрта дўнгликнинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг b- ва d-базофил хужайраларида функционал ўзгаришларидаги нейросекретор моддалар ва гликопротеиднинг камайиши толиқиш томонга қараб силжишини баҳолаш орқали

постреанимацион касалликларни ташхислаш ва олдини олиш самарадорлиги исботлаш имконини берган;

постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларининг патогенезини баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизимининг бузилиш патогенезини баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 майдаги 8н-д/56-сон маълумотномаси). Натижада 5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг IV босқичидан бошлаб, аралаш вегетатив реактивлик остида, касалликнинг узоқ даврида симпатик нерв тизими, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши махсулоти малондиальдегид фаоллигининг кўринарсиз камайиши антиоксидант тизимининг каталаза ва глутатионпероксидаза микдорининг ортиши остида аркуад ва преоптик ядросида ва аденогипофизнинг d-ва b-базофил ҳужайраларда ҳимоя тикланиш жараёнига боғлиқлиги орқали касалликларни эрта ташхислаш, даволаш тизимини ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар тизим ўзгаришларнинг патогенезини баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий бюросининг Самарқанд филиали, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг биринчи клиникасининг фундаментал ва клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 апрелдаги 08-093992-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши 5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II- III босқичларида симпатик нерв тизими тонусининг устунлиги, 10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I-II босқичларида парасимпатик нерв тизимининг тонуси остида, III босқичида симпатик нерв тизими тонусида малондиальдегидни ортиши, каталаза, глутатионпероксидазанинг камайиши гипоталамуснинг аркуат ядросида, аденогипофизнинг d-базофил ҳужайралари фаоллиги преоптик ядроси ва b-базофил ҳужайрага нисбатан ортиши нейросекретор моддалар ва гликопротеидлар секрециясининг, ҳамда кариолизисга учраган нейросекретор ҳужайраларни ортиши натижасида ҳимоя мослашув реакциясини шаклланиши орқали беморларнинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Гипоталамо-гипофизар тизимининг клиник ўлим ва постреанимацион даврда бузилиш механизмининг замонавий тасувавурлари» деб номланган биринчи бобида гипоталамо-аденогипофизар тизим ҳақида, вегетатив нерв тизими (ВНТ), прооксидант, антиоксидант тизимлар, клиник ўлим ва постреанимацион даврда марказий нерв тизими, гипоталамо-гипофизар-эндокрин тизими ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, бу бўлимда керакли даражада замонавий, маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили келтирилган ҳолда, тиббий-биологик муаммолар ва ишнинг актуаллиги аниқланган.

Диссертациянинг «Гипоталамо-гипофизар тизимининг клиник ўлим ва постреанимацион даврда бузилиш механизмини баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун материаллар ва услублар тўлиқ тавсифланган.

Қўйилган вазифаларга асосан, тажриба 160 та наслсиз оқ эркак каламушларда олиб борилди. Уларда клиник ўлим ва постреанимацион касаллик В.Г.Корпачев (1982) усули бўйича чақирилди. 5 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касаллик чақирилганда ўлим ҳолати 12,5% (5 та каламуш)ни ташкил қилган бўлса 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган хайвонларда эса 17,5% (7 та каламуш)ни ташкил этди.

Тажриба «тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланилувчи умуртқали хайвонларни ҳимояси ҳақидаги Европа конвенцияси» га мувофиқ олиб борилди (Страсбург, 1985). Илмий ишнинг текшириш материаллари Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш вазирлиги қошидаги этик кенгашида кўриб чиқилди ва клиникагача олиб бориладиган тадқиқот ишларига рухсат берилди (2021 йил 1 июлдаги 4/21-1550-сон рухсатнома).

Тажриба олиб бориладиган ҳамма хайвонлар 4 гуруҳга бўлинди:

I-гуруҳни назоратдаги 80 та каламушлар ташкил қилди

II-гуруҳни 10 та 5 ва 10 дақиқалик клиник ўлим чақирилган хайвонлар ташкил қилди.

III-гурухни 35 та каламуш ташкил қилиб, уларда 5 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касаллик чақирилди ва постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) гипоталамо-гипофизар тизим бузилишининг патомеханизми ўрганилди.

IV -гурухни 35 та каламуш ташкил қилиб, уларда 10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касаллик чақирилди ва постреанимацион касалликнинг I-II-III-IV-V босқичларида ва узоқ даврларида (1 ва 3 ойларида) гипоталамо-гипофизар тизим бузилишининг патомеханизми ўрганилди.

Бу даврда тажрибадаги ҳайвонлар бир хил шароитда ва овқатланиш рационада сақланди.

Ҳар бир гуруҳда асосий ҳаёт кўрсаткичлари (ЭКГ, нафас, ташқи кўриниши, ҳаракати ва бошқалар), ВНТ, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО)- малондиальдегид (МДА), антиоксидант тизимида каталаза ва глутатионпероксидаза реактивлиги, гипоталамо-аденогипофизар тизимда: преоптик ядро (ПОЯ), аркуат ядро (АРЯ) нейросекретор хужайраларида (НСХ), ўрта дўнглик (ЎД), гипофизнинг b- ва d- базофил хужайраларида морфофункционал ўзгаришлари, физиологик, биокимёвий, гистологик, морфологик, морфометрик, гистокимёвий, цитофотометрик ҳамда статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган ҳолда ўрганилди.

Ҳайвонларда ЭКГ электрокардиограф «Малыш» ни кардиомонитор «Ракета»га улаш орқали ўрганилди ва ёзиб олинди.

Сунъий нафас майда лаборатория ҳайвонлар учун сунъий нафас бериш аппарати ёрдамида амалга оширилди.

Вегетатив нерв тизимининг реактивлиги Хильдебрант коэффиценти = бир дақиқадаги юрак уришлар сони бир дақиқадаги нафас олишлар сони формуласи ёрдамида аниқланди Вейна А.М. (1991). Коэффициентнинг ортиши симпатик нерв тизими (СНТ) устунлигини берса, пасайиши эса парасимпатик нерв тизими (ПСНТ) тонусининг ортишидан дарак беради.

Ҳайвонларни сўйиш ўз вақтида 10 ва ундан ортиқ ҳайвонларда бир мартали декапитация усули орқали амалга оширилди.

Прооксидант тизимида ЛПО - МДА Стальной И.Д., Гаришивили Е.Г. (1977) усули ёрдамида аниқланди.

Антиоксидант тизим реактивлиги каталаза, Королук М.А.,Иванова Л.И., Майорова И.Т. (1988) и глутатионпероксидаза Егорова А.Н.,Осипова А.Т. (1991) усули ёрдамида аниқланди.

Гипоталамус ва гипофизни ўз ичига олган мия тўқимаси Буэн аралашмасида фиксация қилинди. Мия тўқимаси концентрацияси ошиб борувчи спиртдан ва хлороформдан ўтказилиб парафинга кўйилди, сўнгра ундан фронтал ва сагиттал йўналиш бўйича қалинлиги 5-7 мкм га тенг кесма тайёрланди.

Кесмалар қуйидаги усуллар ёрдамида рангланди:

Паральдегид фуксин Гомори-Габу (1953) усули ва кўшимча ранглаш Гайденгайн усули билан амалга оширилди. Бу усул гипоталамусда

нейросекретор моддаларни (НСМ) ва аденогипофизда гликопротеидларни аниқлаш мақсадида кенг қўлланилади.

Гомори усули бўйича гематоксилиннинг хром–квас ва флоксин ёрдамида ранглаш. Бу усул майда заррачали нейросекрет моддаларини ва гликопротеидларни аниқлайди.

3) гематоксилин – эозин билан бўяш усули гипоталамо-гипофизар тизимнинг умумий кўриниши ва морфологик ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради.

Гипоталамуснинг ПОЯ, АРЯ НСХ, гипофизнинг b- ва d- базофил хужараларининг фоизга нисбатан морфофункционал активлиги (юқори, ўрта ва паст функционал активлик) хужайранинг цитоплазмасини, ядросини, ядрочасининг хажмини, НСМ микдорини хужайрада, нерв толаларида ва нерв толаларининг охирларида ЎД, гликопротеидларни базофил хужайраларда аниқлаш ёрдамида, сателлитли - глиал хужайраларнинг морфологик ўзгариши, қон томир реакцияси орқали аниқланди.

НСМ ва гликопротеид микдори Ягорскин Л.С., Папаян Г.В. (1977) икки тўлқинли цитофотометрик усул орқали ўрганилди.

Хужайра цитоплазмаси, ядроси ва ядрочасини ўлчаш микрометр МОВ-1-15 ёрдамида амалга оширилди.

Хужайра ядроси овал шаклда бўлганлиги учун унинг ҳажми $V = \pi/6 \times LB^2$ формуласи орқали аниқланди. L-катта диаметр, B кичик диаметри. Ядроча ҳажми эса $V = \pi/6 \times B^3$ формуласи орқали аниқланди Хесин Я.Е.(1967).

Хужайра ҳажми $V = V_{яд} \times D_{к} / 3$ формуласи ёрдамида аниқланди. Бу ерда V- хужайра ҳажми, $V_{яд}$ - Ядро ҳажми, $D_{к}$ - хужайра диаметри, Цитоплазма ҳажми эса $V_{цитоплазма} ҳажми = V_{хужайра} ҳажми - V_{ядро} ҳажми$ формуласи ёрдамида аниқланди. Хесин Я.Е. (1967); Ташкэ К. (1980), Автандилов Г.Г. (1990).

Хужайра ядросининг функционал ҳолати хужайра ва цитоплазмага нисбатан индекси ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула орқали аниқланди. Индекс=Ядро ҳажми/цитоплазма ҳажми. Бу ерда индекс кўрсаткичининг ортиши генетик активликни ортишидан далолат бериб, ядро гипергидратациясига эга, индекснинг пасайиши эса цитоплазманинг гипергидратациясига эга бўлиб хужайра генетик активлигининг пасайишидан далолат беради Ташкэ К. (1980).

НСХ ва сателлитли - глиал хужайраларнинг микдори 25000 мкм² майдонда аниқланди Гуцол А.А. (1988).

Қон томирлар диаметри МОВ-1-15микрометри ёрдамида, сателлитли-глиал хужайралар ядросининг ҳажми нуқтали усул ёрдамида аниқланди Стрпус Р.А., Тамашаускас К.А., Якубаускайте Б.Б. (1976).

Олинган маълумотларнинг бир-биридан фарқ қилиш ҳақиқийлиги Microsoft Office – Excel 2000 пакети орқали таҳлил қилинди. Таққосланадиган иккита кўрсаткичнинг фарқлиги t- мезонидан фойдаланиб $P=0,05$ и $P<0,05$ бўлганда ишончли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Интакт хайвонларда, вегетатив нерв тизими реактивлиги, прооксидант, антиоксидант, ҳамда гипоталамо-гипофизар тизимларнинг функционал ҳолати**» деб номланган учинчи бобида акс эттирилган натижалар шуни кўрсатадики: интакт каламушларда ВНТ аралаш реактивлиги, прооксидант ва антиоксидант тизимининг нормал фаоллиги, паст артериал тўлақонлик остида гипоталамуснинг ПОЯ ва АРЯ НСХ, аденогипофизнинг b - ва d – базофил хужайралари орасида кучсизроқ функционал активликка эга бўлган хужайралар устунликни ташкил қилган ҳолда «тинч» функционал ҳолатда фаолият кўрсатаётганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**5 ва 10 дақиқали клиник ўлимни моделлаштириш жараёнида вегетатив нерв тизими реактивлиги, прооксидант, антиоксидант, ҳамда гипоталамо-гипофизар тизимларидаги функционал ўзгаришлар**» деб номланган тўртинчи бобида 5 дақиқалик клиник ўлимни моделлаштиришда вегетатив нерв тизим реактивлигида парасимпатик нерв тизимининг устунлиги, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши махсулоти малондиальдегиднинг миқдорини ортиши, антиоксидант тизимида каталаза ва глютатионпероксидаза активлигини пасайиши, кучсизроқ артериал тўлақонлик остида гипоталамо-гипофизар тизимда (ПОЯ, АРЯ, ЎД, ҳамда аденогипофизнинг b–ва d–базофил хужайраларида) юқори функционал активликка эга бўлган хужайралар миқдорининг ортиши, ўрта ва кучсиз функционал активликка эга хужайраларининг ва уларда НСМ ҳамда гликопротеидларнинг камайиши аниқланган.


10 дақиқалик клиник ўлимни моделлаштириш жараёнида, вегетатив нерв тизим реактивлигида парасимпатик нерв тизимининг устунлиги, прооксидант тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши махсулоти малондиальдегиднинг миқдорини ортиши, антиоксидант тизимида каталаза ва глютатионпероксидаза активлигини пасайиши, кучсизроқ артериал тўлақонлик ва қон томир атрофи шиши остида кўпроқ АРЯ, d – базофил хужайраларида юқори функционал активликка эга бўлган хужайралар миқдорининг ортиши, ўрта ва кучсиз функционал активликка эга хужайраларининг камайиши ва уларда НСМ ҳамда гликопротеидларнинг камайиши, ПОЯ, ҳамда аденогипофизнинг b–базофил хужайраларга нисбатан кучли фаолиятда эканлиги аниқланди. Бу вақтда ЎД ички ва ташқи қаватида аксоннинг кенгайган қисмида, терминалида Герринг таначаларида НСМ моддаларининг кўп миқдорда сақланганлиги кузатилди. Бундай ҳолат гипоталамо-гипофизар тизимининг зўриқишидан далолат бериб, таъсир қиладиган стрессор факторга нисбатан химоя мослашув реакциясини таъминлашда тестостерон гормонининг синтези ва секрециясига қаратилгандир.

Олинган маълумотлар адабиётлардаги маълумотлар билан солиштириб таҳлил қилиш оқибатида гипоталамо-гипофизар тизимдаги ўзгаришларни қуйидаги босқичларда кўрсатиш мумкин: ўлим ўта кучли стрессор фактор бўлиб, симпато-адренал тизимнинг активланиши, кучли гипоксиянинг таъминланиши, прооксидант тизимининг активлигини ортиши, антиоксидант тизимининг активлигини пасайиши остида гипоталамо-гипофизар тизимнинг

активланишини таъминлайди; ўз навбатида шок ҳолатининг тормозланиш босқичида ПСНТ тонусининг устунлиги НСМ ва гликопротеидни қонга чиқишининг зўриқишини ва тормозланишини келтириб чиқаради.


Бу вақтда А.Л.Поленов (1980) фикрига эътибор берилса, ўта кучли стрессор факторларнинг таъсири ҳайвонларнинг ўлимини келтириб чиқариши остида НСМ ва гликопротеидни қонга чиқишини зўриқиши ва тормозланиши остида нейропептид гормонларининг етишмовчилигини исботлаган.

Диссертациянинг «5 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда вегетатив нерв тизими реактивлиги, прооксидант, антиоксидант, ҳамда гипоталамо-гипофизар тизимларидаги функционал ўзгаришлар» деб номланган бешинчи бобида, постреанимацион касалликнинг I босқичида ВНТ реактивлигида СНТ тонусининг устунлиги прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини ортиши, антиоксидант тизимида каталаза, глутатионпероксидаза активлигини пасайиши, ҳамда артериал тўлақонлик остида гипоталамуснинг ПОЯ, ва АРЯ да, аденогипофизнинг b- ва d – базофил хужайраларида (1- ва 2- расмга қаранг), юқори функционал активликка эга бўлган хужайраларнинг, сателлитли - глиал хужайралар ядроси ҳажмининг ортиши, ўрта ва кучсиз функционал активликка эга бўлган хужайраларининг камайиши кузатилиб, НСМ моддаларнинг АРЯ га нисбатан ПОЯ да кучлироқ, шу билан ЎД нинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг d – базофил хужайрада b - базофил хужайрага нисбатан гликопротеиднинг камайиши ва қонга ажралиши аниқланган.



Изоҳ: P<0,05 - *; P<0,01 - **; P<0,05 - ***

1-расм. 5 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда гипоталамусдаги ўзгаришлар.



Изох: P<0,05 - *; P<0,01 - **; P<0,05 - ***

2-расм. 5 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда аденогипофиздаги ўзгаришлар.

Постреанимацион касалликнинг II босқичида ВНТ реактивлигида СНТ тонусининг прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини, ортиб бориши, антиоксидант тизимида каталаза, глутатионпероксидаза активлигини пасайиб бориши, ҳамда артериал тўлақонлик ва унинг атрофидаги шиш асосида гипоталамуснинг ПОЯ, ва АРЯ да, аденогипофизнинг b- ва d – базофил хужайраларида юқори функционал активликка эга бўлган хужайраларнинг, сателлитли - глиал хужайралар ядроси ҳажмининг ортиши, ўрта ва паст функционал активликка эга бўлган хужайраларининг камайиши кузатилиб, НСМ моддаларнинг АРЯ га нисбатан ПОЯ да кучлироқ, шу билан ўД нинг ички ва ташқи қаватида, аденогипофизнинг d – базофил хужайрада b - базофил хужайрага нисбатан гликопротеиднинг камайиб бориши кузатилган.

Постреанимацион касалликнинг III босқичида ВНТ реактивлигида СНТ тонусининг прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини, максимал даражада ортиши ортиб бориши, антиоксидант тизимида каталаза, глутатионпероксидаза активлигини минимал кўрсаткичгача пасайиши остида гипоталамусда, кучли артериал тўлақонлик, кучли қон-томир атрофи шиши, сателлитли-глиал хужайраларнинг активлиги, деструктив НСХ миқдорининг ортиши ПОЯ, АРЯ НСХ, b - ва d – базофил хужайралар максимал функционал активликка эга бўлиб, НСМ АРЯ га нисбатан ПОЯ да, гликопротеидни кучлироқ b – базофил хужайрага нисбатан d – базофил хужайраларда камайганлиги исботланган.

Шуни айтиш керакки, гипоталамо-гипофизар тизимида ПОЯ, АРЯ, b – ва d- базофил хужайраларда НСМ ва гликопротеидларни кучли қонга ажралиши остида уларда синтез жараёнларининг ортиши аниққланган.

Постреанимацион касалликнинг IV босқичидан бошлаб, ВНТ реактивлигида аралаш реактивлик кузатилиб, прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини камайиши, антиоксидант тизимида каталаза, глутатионпероксидаза активлигини ортиб бориши остида гипоталамо-гипофизар тизимда тикланиш жарани кузатилди. Бундай жараён остида ПОЯ ва АРЯ, b - ва d – базофил хужайраларда (кучлироқ ПОЯ ва d – базофил хужайрада) функционал ҳолатининг тикланишга қараб оғиши кузатилди, яъни НСМ ва гликопротеиднинг синтези секрециядан устунлиги аниқланди. Бу вақтда артериал тўлақонлик, қон-томир атрофидаги шишларни, хужайра ҳажми ва унинг ядроси ва ядрочасининг ҳажмини - юқори функционал активликка эга бўлган хужайралар миқдорининг камайиши, НСМ ва гликопротеидлар миқдорининг хужайраларда ортиб бориши, ўрта ва паст функционал активликка эга хужайралар миқдорининг, хужайра ядросининг гипергидратацияси, сателлитли-глиал хужайралар майдонининг, деструктив хужайралар миқдорининг(пикнотик хужайралар) ортиши исботланган.

Постреанимацион касалликнинг V босқичида ва узоқ даврларида ВНТ реактивлигида аралаш реактивлик кузатилиб, прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини камайиб бориши, антиоксидант тизимида каталаза, глутатионпероксидаза активлигини ортиб бориши остида гипоталамуснинг ПОЯ, АРЯ НСХ, аденогипофизнинг b –ва d- базофил хужайралар юқори функционал ҳолатда бўлиб, деструктив хусусиятга эга бўлган НСХ миқдори, ўрта ва паст функционал активликка эга НСХ миқдорининг, иккита ядрочали НСХ, сателлитли-глиал хужайралар миқдорининг ортиши, улар ядросининг гипергидратацияси асосида НСМ миқдорининг НСХ ва ЎД да, аденогипофизнинг базофил хужайраларида, гликопротеидларнинг ортиб бориши аниқланди.


Постреанимацион касалликнинг узоқ даврида – 1-ойнинг охирида ВНТ реактивлигида аралаш реактивликни сақланганлиги, прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини камайиб бориши, антиоксидант тизимида каталаза, глутатионпероксидаза активлигини ортиб бориши гипоталамуснинг ПОЯ, АРЯ да деструктив ўзгаришга эга бўлган НСХ миқдорининг ортиб бориши асосида НСХ ва базофил хужайраларда функционал активликнинг тикланиши кузатилди. Тикланиш жараёни АРЯга нисбатан ПОЯда, b – базофил хужайраларда d–базофил хужайраларга нисбатан кучлироқ ривожланганлиги аниқланди. сателлитли-глиал хужайраларнинг миқдорини ортиши, юқори функционал активликка эга бўлган НСХ ва базофил хужайралар миқдорининг камайиб ўрта ва паст функционал активликка эга хужайралар ва уларда НСМ, ҳамда гликопротеидлар миқдорининг ортиб бориши исботланган.

Постреанимацион касалликнинг 3-ойида ВНТ реактивлигида СНТ тонусининг прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини, антиоксидант тизимида каталаза, глутатионпероксидаза активлигини куринарсиз даражагача ортиши остида гипоталамо-гипофизар тизимда, морфофункционал кўрсаткичлар чуқурлашиб бориб, интакт хайвонларнинг кўрсаткичига яқинлашмаганлиги аниқланди. Бу даврда

деструктив хужайраларнинг ва сателлитли-глиал хужайралар миқдорининг ва ҳажмининг ортиши остида, НСМ НСХ ЎДда, гликопротеидларнинг базофил хужайраларида, ўрта ва паст функционал активликка эга хужайраларнинг нормага нисбатан паст ҳолда сақланиши исботланган.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар асосида шуни айтиш керакки постреанимацион касалликнинг III-IV-V босқичида ва узоқ даврларида ПОЯ, АРЯ, ва аденогипофизнинг базофил хужайраларида икки ядрочали хужайраларни купайиши ва эксцентрик жойлашиши биз томондан аниқланилишини узоқ постреанимацион даврда қўшимча компенсатор жараён деб тушунтириш мумкин.

Диссертациянинг «10 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда вегетатив нерв тизими реактивлиги, прооксидант, антиоксидант, ҳамда гипоталамо-гипофизар тизимларидаги функционал ўзгаришлар» деб номланган олтинчи бобида 10 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион касалликнинг I босқичида ВНТ реактивлигида ПСНТ тонусининг устунлиги прооксидант тизимида ЛПО махсулоти малондиальдегид миқдорини ортиши, антиоксидант тизимида каталаза,глютатионпероксидаза активлигини пасайиши кузатилиб гипоталамуснинг ПОЯ, АРЯда артериал тўлақонлик ва преваскуляр шиш, хужайра цитоплазмасининг гипергидратацияси остида функционал фаоллик ПОЯ га нисбатан АРЯ да, b– базофил хужайрага нисбатан d – базофил хужайраларда эканлиги аниқланиб (3-ва 4-расмга қаранг), бу ерда юқори функционал активликка эга бўлган НСХ, ҳамда гипофизнинг базофил хужайралари миқдори ортиб, ўрта ва паст функционал активликка эга хужайралар миқдорининг камайганлиги ва бу НСХ да, ЎД, НСМ моддаларининг кўпроқ АРЯ, гликопротеидларнинг d – базофил хужайраларда камайганлиги аниқланди.



Изох: P<0,05 - *; P<0,01 - **; P<0,05 - ***

3-расм. 10 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда гипоталамусдаги ўзгаришлар.

қолганлигидир, яъни бу ерда кучлироқ АРЯ НСХ ва аденогипофизнинг d – базofil хужайраларида ядросининг гипергидратацияси остида юқори функционал фаолликка эга хужайралари микдорининг, сателлитли-глиал хужайралар ядросини ҳажмини ва микдорини ортиши, артериал тўлақонликни, преваскуляр шишининг ортиши, шу билан бир қаторда ўрта, паст функционал активликка эга бўлган НСХ ва базofil хужайраларнинг микдорини, НСМ НСХ ва ЎД, гликопротеидларни базofil хужайраларда кескин минимал микдоргача камайганлиги исботланган.

